

## ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ШАХСНИНГ МАЪНАВИЙ БЕГОНАЛАШУВИ МАСАЛАСИ

**Саломатжон Ражабовна Жабборова**

Ўзбекистон Миллий университети тадқиқотчиси

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола глобаллашув шароитида шахснинг маънавий бегоналашуви масаласига қаратилган бўлиб, шахс маънавий бегоналашуви муаммоларининг муҳим стратегик аҳамияти масалалари таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада глобаллашув шароитида шахснинг маънавий бегоналашувини олдини олишнинг устувор масалалари кўтарилган бўлиб, уни ҳал этишнинг турли усул ва воситалари тақдим қилинган. Жамиятда маънавий бегоналашувни бартараф этишга қаратилган маънавий тизимни яратиш имкониятлари илмий асосда тадқиқ этилган. Бу борада жамиятда шахснинг маънавий бегоналашувини олдини олишга қаратилган ижтимоий лойиҳаларни такомиллаштириш бўйича жаҳон илм-фан тараққиёти тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда илмий-амалий тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** глобаллашув, глобаллашув жараёнлари, шахс, шахснинг маънавий бегоналашуви, бегоналашув, маънавий тарбия, маънавият, жамият, технологик тараққиёт, ахборот, ахборот оқими, ижтимоий таназзул, ижтимоий муаммолар, маънавий хавфсизлик, ўзликни англаш, ижтимоий фанлар тизими, ижтимоий тармоқлар, социологик тадқиқотлар, маънавий камолот.

## THE ISSUE OF SPIRITUAL EXTERNALIZATION OF THE INDIVIDUAL IN THE CONTEXT OF GLOBALIZATION

### ABSTRACT

This article focuses on the issue of spiritual alienation of the individual in the context of globalization, and analyzes the issues of strategic importance of the problem of spiritual alienation of the individual. The article also raises the priority issues of preventing the spiritual alienation of the individual in the context of globalization, and presents various methods and means of solving it. The possibilities of creating a spiritual system aimed at overcoming spiritual alienation in society have been explored on a scientific basis. In this regard, scientific and practical recommendations have been given, taking into account the trends of global scientific

development, to improve social projects aimed at preventing the spiritual alienation of the individual in society.

**Keywords:** globalization, globalization processes, personality, spiritual alienation of the individual, alienation, spiritual upbringing, spirituality, society, technological progress, information, information flow, social decline, social problems, spiritual security, identity, social science system, social networks, sociological research, spiritual maturity.

## КИРИШ

Ҳар бир жамият учун ижтимоий-иқтисодий тараққиёт билан бирга бу соҳадаги шахс маънавиятига оид муаммолар муҳим стратегик аҳамиятга эга масалалардан бири ҳисобланади. Шу маънода, мазкур мақолада глобаллашув шароитида шахснинг маънавий бегоналашуви сабабларини илмий ўрганиш ва ун олдини олиш қаратилган илмий-фалсафий ва амалий чора-тадбирлар устуворлиги масаласи кўтарилган бўлиб, уни ҳал этишнинг турли усул ва воситалари тақдим қилинган. Глобаллашув шароитида шахснинг маънавий бегоналашуви муаммолари ҳар қачонгидан долзарб аҳамиятга эга бўлиб, бу масалани етарлича илмий асосда ўрганишни тақозо этади. Бунга глобал ахборот оқими жадаллашган бугунги кунимиздаги технократиянинг меъёридан ошганлиги, ахлоқий маданият заифлашиб ахлоқий фазилатларнинг қадрсизланиши, баъзи ҳолларда мазкур фазилатлар ўрнини иллатлар, ёвузликлар, тажовузлар эгаллаётганлигини сабаб сифатида кўрсатиб ўтиш мумкин.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

XX асрнинг охирига келиб жаҳон миқёсида ахборот технологияларини жадал суръатлар билан ўсиши глобаллашув жараёнларини янада чуқурлашувига олиб келди десак, муболоға қилмаган бўламиз. Глобаллашув жараёни инсоният учун ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жиҳатидан ижобий ҳодиса бўлсада, лекин унинг маънавий ҳаётига салбий таъсир кўрсатаётганлиги ҳам сир эмас. Айни шу жараён шахснинг маънавий бегоналашуви шарт-шароитларининг кучайишига олиб келганлиги ҳам инкор этиб бўлмас ҳақиқатдир. Шунинг учун ҳам шахс маънавий бегоналашуви масаласи ҳозирги кунда барча давлатларнинг асосий муаммосидан бирига айланиб бормоқда, чунки шахс маънавияти ривожланмас экан ҳеч бир давлат ёки жамиятда ўсиш ва ривожланиш бўлмайди. Ҳозирги кунда маънавий

бегоналашув муаммосини ўрганиш шу сабабдан ҳам барча ижтимоий-фалсафий тадқиқотларнинг мавзусига айланмоқда. Мазкур мақолага ҳам шахснинг маънавий бегоналашуви масаласининг долзарблиги бир неча ҳолатлар асос қилиб олинди: биринчиси, глобаллашув билан боғланган ҳолда инсон ижтимоий ҳаётининг ўзгариши; иккинчиси, инсон борлиғи ва табиатига техноген ва информацион тараққиётнинг кириб боришининг чуқурлашуви ва тараққиётнинг маънавиятга ўтказилган таъсири; учинчиси, замонавийликнинг кўпгина салбий ҳолатлари асосида ётувчи чуқурлашиб боровчи антропологик инқироз. Бу эса албатта муаммонинг нақадар мураккаб эканлигини кўрсатибгина қолмай, балки унинг ечимларини излашнинг илмий механизмларини яратишни кун тартибига қўймоқда.

Ҳозирга қадар мазкур муаммо турли даражада ўрганилган бўлиб, шарқ мутафаккирлари ва ғарб файласуфлари томонидан чуқур тадқиқ этилган. Бунга шарқда Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Абу Ҳомид Ғаззолий, Юсуф Хос Хожиб, Алишер Навоий, Хусайн Воиз Кошифий, Фитрат, Абдулла Авланий каби бир қанча мутафаккирларни киритишимиз мумкин. Ғарбда эса Сукрот, Афлотун, Арасту, Кант, Хегел, Ницше, Фейербах, Генри Девид Торо, Бердяев каби файласуфларни айтиб ўтишимиз мумкин. Бугунга келиб эса бу масалалар доирасида кенг қўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бизнинг мамлакатимизда олим ва файласуфлар, МДХ давлатлари олим ва тадқиқотчилари ва Европа ҳамда океанорти мамлакатларидаги нуфузли тадқиқот институтларидаги олимлар глобаллашув шароитида шахснинг маънавий бегоналашуви муаммоларини ўрганиш борасида чуқур илмий изланишлар олиб бораётганлиги бу масаланинг нақадар долзарб аҳамиятга эканлигини кўрсатади. Шу билан бирга таъкидлаб ўтиш жоизки, глобаллашув шароитида шахснинг маънавий бегоналашуви муаммолари фақатгина фалсафа ёки ахлоқшунослик доираси билан чекланган муаммо сифатида қаралмаяпти, балки ҳозирги вақтда катта эътибор қозонган кўплаб ижтимоий-гуманитар ва бошқа фанлар доирасида ҳам ўрганилмоқда. Бунга кўплаб фанларнинг синтези бўлган синергетикани мисол келтиришимиз ҳам мумкин. Умуман олганда, барча фанлар билан бирга турли миллатларнинг олим ва файласуфларининг асосий мақсади инсоний жамиятнинг маънавий мусаффолигини таъминлаш, жамият тараққиёти масалалари билан шуғулланишдан иборат. Бу эса глобаллашув шароитида шахснинг маънавий бегоналашуви олдини олиш инсониятни таназзулдан қутқаришнинг ягона йўли эканлигини кўрсатади.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Шахснинг маънавий бегоналашуви ҳақида гап кетганда, унинг моҳияти, келиб чиқиш сабабларини ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий жиҳатдан таҳлил қилиш масаланинг моҳиятини тушунишда муҳим аҳамият касб этади. Немис файласуфи Гегелнинг таъбири билан айтганда, нарса ва ҳодисаларнинг моҳияти тушунчаларда акс этади. Шу маънода глобаллашув шароитида шахснинг маънавий бегоналашуви муаммосини ижтимоий-фалсафий тушунча сифатидаги моҳиятини ҳам тадқиқ этиш қўйилаётган масаланинг ечимини излашда муҳим рол ўйнайди. Бегоналашув тушунчаси тўғрисида Огурцов шундай фикр билдиради: “инсон фаолияти ва унинг натижалари унга қарши бўлган ва устидан ҳукмронлик қилаётган мустақил кучга объектив айланиши ва бу билан боғлиқ инсоннинг фаол субъектдан ижтимоий жараён объектига айланиши” ни ифодалайди, деб таъкидлайди. Баъзи тадқиқотчилар эса инсон мавжудлигини инсон шахсий фаолиятида унинг шароитига, воситаларига ва ўзига ўзи бегоналашган ҳолатлар ва жараёнларни тасвирлашда ишлатилади, деб кўрсатадилар. Маънавий бегоналашувнинг моҳиятини кўплаб изланувчилар томонидан шахсни дунёқарашига боғлиқ ҳолда тадқиқ этмоқдалар. Гегел бегоналашувни борлиқни бошқача шаклида ўзини англаш учун ўзини ўзи ривожлантириш жараёнида ўзидан ўзини бегоналаштирадиган абсолют рух мавжудлигининг контекстида кўради. Л. Фейербах эса шахснинг бегоналашувини индивидни ўз моҳиятидан узоклашиши сифатида тушунади. Унинг фикрича, инсон табиати инсоният ҳаётининг бегоналашмайдиган пойдеворидир ва у ҳақиқий бўлмаган бегоналашув дунёсига қарама-қаршидир. Марксизмда бегоналашув антогонистик нуқтаи назарлар билан боғлиқ тарихий ҳолатдек кўрилади. Бегоналашув инсон томонидан синфий антогонистик жамиятда ўз фаолият имкониятларини предметлаштиришнинг тарихий шаклидир ва моддиончилик, ижтимоий алоқаларни фетишизми инсонлар орасидаги муносабатларига тенглашади. Аммо шуни айтиш мумкинки, ҳозирги замонавий глобал дунёнинг тенденциясига кўра, товар фетишизми ва у билан боғлиқ бегоналашув кучайиб бормоқда, бу ҳолат гўёки эпидемия даражасига айланмоқда. Ҳаддан зиёд мол дунё, бойлик орттиришга бўлган ҳоҳиш ва интилишнинг ҳозирги замонда авж олиши ҳам шахснинг маънавий бегоналашувини кучайишиги олиб келмоқда. Америкалик тадқиқотчилар Ж. Граф, Д.Ван, Т.Нэйлор фикрича, истеъмолчиликка сиғиниш инсонни қулга айлантиради, ёлғизликни шакллантириб, “истеъмолчилик синдроми”ни юзага келтиради ва у касаллик юқумли ҳисобланиб, жамият орасида тўйганлик,

малоллик, хавотирлик ва бўшлиқ ҳолатини пайдо қилади. Бундан фарқли ўлароқ П.Гайденко С.Кьеркегор экзистенционал фалсафасини ўрганиб, шундай дейди: “С.Кьеркеор экзистенционал фалсафасида бегоналашув онг ҳукмронлиги, инсон томонидан мавжудликнинг фактлари ва муаммоларини унутиш жараёнида объективлик ва рационализм билан қизиқиш натижасида кўриб чиқилади”. Бегоналашув жараёни бўйича ҳозирги кунда кўпчилик олимлар ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини билдириб келмоқдалар. Немис файласуфи М.Хайдеггер шахсининг маънавий бегоналашуви ҳақида гапириб “жамиятда ҳар куни ташвишлар мавжудлик воситаси, бегоналашув экзистенцияси, бегоналашган ижтимоий ҳатти-ҳаракатлар нормаларида ва фикрлар образларида парчаланаяди, ижтимоий маълумотлар воситаси, алоқа (газета) ишлатилади, ҳар ким бошқа бировга ўхшаш бўлади”, деб таъкидлайди. М.Хайдеггернинг фикридан шундай хулоса қилиш мумкин, яъни ижтимоий ҳаётда ташвишларнинг кўпайиб бориши ҳам инсонни бу дунёда ўз “қобиғига” ўралиб қолишига ёки бўлмаса фақат ўз манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилишига сабаб бўлиши мумкин, бу эса бегоналашув ҳолатини олиб келади.

Инсон ўзининг “мени”ни имкониятларини амалга ошириш учун мавжуддир. Унинг имкониятларининг чегараси йўқ. У барчасига берилиб ва барчаси томонидан қамраб олинishi мумкин. Бундан кўринадики, маънавий бегоналашган инсонда юз ҳам виждон ҳам мавжуд бўлмайди. Глобаллашув шароитида инсон бегоналашуви онгсиз машиналар ғалабаси ҳисобланади. Техниканинг ривожланиши ва жамиятнинг ахборотлашуви шароитида инсоннинг бегоналашуви инсон томонидан дунёга келтирилган нарса –буюмлар ёки кашфиётлар, инсон устидан ҳукмронлик қилишига олиб келади. Н.А.Бердяевнинг таъкидлашича: “моддиюнчилик инсоният табиатини бегоналашувининг асосидир”. Шу ўринда айтиш керакки, ижтимоий ва маънавий бегоналашувни М. Хайдеггер “das Man”категорияси орқали кўриб чиқади ва институционал нормалар сифатида мажбуран инсондан бегона бўлган ижтимоий ғояни мавжудлигини асослаб беради. Машҳур ғарблик социолог Э.Гидденс глобаллашув шароитида шахсининг маънавий бегоналашувини жамиятнинг иқтисодий ҳодисаси натижаси сифатида кўради. Бироқ яна шуни таъкидлайдики, бегоналашув жараёни юридик расмиятчилик шаклига эгадир. Ҳар иккала ҳолат иқтисодий ёки ҳуқуқий соҳадаги бегоналашувнинг келиб чиқиши жамиятда муқаррар ҳолат, лекин унинг асл сабаби маънавий соҳага эътиборнинг камлигидир.

Дин фалсафасида шахснинг маънавий бегоналашувини Аллоҳ билан бевосита мулоқотдан инсонни узоқлашишининг натижаси деб кўрилади. Яратгувчи билан алоқани узган инсон ўз моҳиятини, шу қаторда маънавий моҳиятини ҳам йўқотади. Бу эса биринчи навбатда инсоннинг инсондан узоқлашишини турли шакллари олиб келади ва ижтимоий зўравонлик сабаблари ва шароитига айланади. Чунки қалбида Яратгувчига бўлган ишонч – эътиқоди йўқ инсоннинг характер, хусусиятларида бегоналашув ҳолати яққол намоён бўлиб боради. С.Л.Франк фикрича, Худо “Мен” ва “Биз” орасидаги индивид ва жамоа ўртасидаги бегоналашувни йўқ қилади. Худо “Биз” ички бирликнинг шарт – шароитидир. Унда инсон руҳининг барча мавжудлик билан ички боғлиқлик бор, табиат мавжудлиги қисмларининг парчаланиш ва бегоналашиш қарама –қарши бўлган бирдамлик ҳаёт бор. Ер юзида шунга ўхшаш ёвузликнинг кучайиши инсонлар ўртасидаги маънавий бегоналашувни юзага келтиради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, глобаллашув шароитида шахснинг маънавий бегоналашувини нафақат объектив, балки субъектив жараён сифатида баҳолаш мумкин. Қолаверса, маънавий бегоналашув ҳодисасининг содир бўлишига ташқи муҳитнинг таъсири жудаям катта. Бу борада олиб борилган тадқиқотлар натижаси глобаллашув шароитида шахснинг маънавий бегоналашуви ҳодисаси моҳияти ҳақида хулоса чиқаришимизга имкон беради.

Бизнинг назаримизда глобаллашув шароитида шахснинг маънавий бегоналашуви инсонни теварак-атрофни онгли тарзда идрок қилиш, ўзининг қарашлари орқали индивидуал ва ижтимоий мавжудликни асоси бўлган маънавий-ахлоқий, маданий, диний ва бошқа қадриятлар орқали фикр юрита билиш, ўз-ўзини онгли тарзда англай олиш, эркинликни қадрига ета билишлик, ноҳақликларга қарши онгли тарзда кураша билишлик каби имкониятларни берувчи юксак қобилият ва интеграл сифатнинг йўқолишидир. Яна бунга бошқача таъриф берса ҳам бўлади. Шахснинг маънавий бегоналашуви инсон характерида мужассам бўлган ижобий сифатлар, унинг ботиний ва зоҳирий дунёсининг мукамаллиги, иймон-эътиқодининг бутунлиги-ю, виждонининг уйғоқлиги, онгли тарздаги барча қарашларининг ўрнини, салбий сифатлар эгаллаб, жоҳиллик хислатлари инсоннинг бутун вужудини қамраб олиши ва ўзига бўйсундириши натижасида инсонда шаклланган юксак қобилият ва интеграл сифатларнинг жаҳолат йўлида хизмат қилишидир.

Глобаллашув шароитида шахснинг маънавий бегоналашуви шахсий ўзини англаш, ички эркинлигини, ўзини тушуниш ва ўзини ривожлантириш

каби фазилатларнинг йўқолиши билан характерланади. Шахснинг маънавий бегоналашув ҳолати ўзига хос тузилишга эга: бегоналашув субъектлари (бегоналашувни режа асосида ташкиллаштираётганлар), маънавий бегоналашувнинг объектлари (бегоналашиб кетаётганлар), бегоналашув воситаси (руҳий ёки жисмоний таъсир). Шахснинг маънавий бегоналашуви ҳолатининг ривожланиб боришига глобаллашувнинг шиддат билан барча халқлар ва миллатларнинг маданияти ҳамда маънавиятига ўтказаетган салбий таъсири ҳам сабаб бўлмоқда. Шахснинг маънавий бегоналашуви ўсишини яна бир фактори, замонавий техника ва технологиянинг жадаллик билан ривожланиб боришидир. Бу ҳақда Ф.Фукуяма шундай деган эди: “Биз бундай келажакни сохта эркинлик шиори учун қабул қилишимиз шарт эмас. Биз муқаррар технологик жараёнларга ҳам қул бўлишимиз шарт эмас, агарда бу жараён инсоният мақсадларига хизмат қилмаса”. Албатта инсоният томонидан яратилаётган бугунги кун кашфиётлари, яъни техника ва технологиянинг ривожини фақат ва фақат инсоният ривожига хизмат қилиши лозим. Яна шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз лозимки, глобаллашув шароитида шахснинг маънавий бегоналашувини манбаи бўлиб, бюрократик ҳукумат тузилишининг кучайиши ҳам хизмат қилади. Бунда фақат бюрократия ривожлантирилиб, буйруқбозлик кучаяди ва шахснинг маънавияти орқага суриб қўйилади. Бора-бора шахс ўз маънавиятини йўқотади ва шахс маънавий бегоналашуви юзага чиқади. Очиғини айтадиган бўлсак бугунги кунда инсоният сунъий ташкилий техник-технологик муҳитга кўшилмоқда. Бу сунъий муҳитни В.Кутеров “тектура”, яъни маданиятга қарши (антитез) деб кўрсатади. Агар маданият бошланғич асосларида маънавий дунёнинг объективлигини абсолют даражада ифодаси ҳисобланса, текстура унинг аксидир, яъни виртуалликни, сунъийликни ифодалайди.

Глобаллашув шароитида замонавий дунёда шахснинг маънавий бегоналашуви муаммосини шахс ва жамиятнинг субъектлигини ювилиши чуқурлаштирмоқда. Бугунги кунда бегоналашув ҳодисаси технология форматини қабул қилиб, замонавий ижтимоий курашда актив ҳаракатланмоқда ва биринчи навбатда бу ҳаракатда ОАВ ва ижтимоий тизим алоқаларини ўз қўлларига олиб, ёлғон ва бўҳтонлар орқали дунёни ўз мақсадларига мослаб буриш истагида бўлганлар амалга оширмоқдалар. Ҳозирги кундаги ижтимоий жараёнлар таҳлили шуни кўрсатадики, илм-фандаги ютуқлар қанчалик даражада юксак бўлса ҳам, шахснинг маънавий бегоналашуви ҳолатини енгиб ўтишнинг ҳечам имкони бўлмаган. Аксинча, ушбу юксалиш ҳамда замонавий

дунёдаги глобаллашув жараёни бегоналашув ҳодисасининг янги-янги шакллари юзага келишига сабаб бўлмоқда. Маънавий бегоналашув ҳолати олдинги даврларда тартибсиз характерга эга бўлган бўлса, ҳозирги кунга келиб у технологик характерга эга бўлиб, ундан ижтимоий курашларда фойдаланилмоқда. Бугунги кунга келиб маънавий бегоналашув ҳолати дунёдаги барча минтақа ва давлатларда содир бўлмоқдаки, бу жараёндан ҳеч бир халқ ёки миллат четда қолиб кетаётган йўқ. Азал-азалдан ўзининг юксак маънавияти ва маданияти билан дунё аҳлини лол қолдириб келган Шарқ давлатлари ҳам бугунги кунда бало-қазодай ёпирилиб келаётган ушбу муаммодан четда қолаётган йўқ. Бугунги кунга келиб шахснинг маънавий бегоналашувни енгиш имкониятлари пасайиб бормоқда, бунга аслида Ғарбнинг, айниқса америкача ҳаёт тарзи ва трансмиллий корпорациялар ҳукмронлиги шаклида намоён бўлувчи капиталистик глобаллашув вариантнинг ҳокимлиги шароитида инсоният келажаги ривожланиши ҳамда ўзгаришлар сабаб бўлмоқда.

### **ХУЛОСА**

Хулоса қилиб айтганда, халқнинг маънавиятини йўқотишга бўлган бундай уринишлар маънавият соҳасининг издан чиқишига олиб келиб, шахснинг маънавий бегоналашувини кучайишига замин яратиб беради. Глобаллашув шароитида шахснинг маънавий бегоналашуви ижтимоий ва ахборий оқимнинг жадаллашуви билан ҳам чуқурлашиб бормоқда. Маънавий бегоналашув ҳодисаси халқнинг ва мамлакатда ҳукм сурадиган ижтимоий қатламларнинг маънавий йўналишининг қарама-қаршилиги туфайли ҳам чуқурлашмоқда. Бугунги глобаллашув шароитида шахснинг маънавий бегоналашувини фақатгина янги антропологик бурилиш шароитларида енгиш мумкин. Бунинг учун эса, инсон дунёни ўзлаштириш амалиётида ўзини англашга ва мавжуд объектив реалликка қайтиши керак.

### **REFERENCES**

1. Огурцов А. Отчуждение// Философская энциклопедия: В 5 Т. –М.: “Советская энциклопедия”, 1967. Т. IV.
2. Современный философский словарь/ Отв. ред-р В.Е.Кемеров.-Бишкек: Одиссей,1996.
3. Гегель Г.В.Ф. Феноменология духа.-СПб.: Наука, 2002.

4. Фукуяма Ф. Наше постчеловеческое будущее: Последствия биотехнологической революции. –М.: ООО «Издательство АСТ»: ОАО «ЛЮКС»
5. Бердяев Н.А. Русская идея. –М.: Эксмо; СПб.: Мидгард, 2005. 758-стр.
6. Кальной И.И. Отчуждение: истоки и современность. –Симферополь, 1990. 67-стр.
7. Гидденс Э. Устройство общества: Очерк теории структуризации. 2-е изд. –М.: Академический Проект, 2005. 268-269-стр.
8. Алексеев П. Философская концепция. С.Л.Франка // Франк С.Л. Духовные основы общества. –М.: Республика, 1992. 10-стр.
9. Франк С.Л. Духовный основы общества. –М.: Республика, 1992. 91-стр.
10. Грааф Дж и др. Потреблятьство. Болезнь, угрожающая миру.-М.:Ультра. Культура. 2003. 128-стр.
11. Гайденко П.П. Прорыв к трансцендентному: Новая онтология XX века. –М.: Республика. 1997. 18-стр.
12. Хайдеггер М. “Время картины мира”. Современные концепции культурного кризиса на Западе. –М.: ИНИОН, 1976. 38-стр.
13. Avlaev, O., & Maripov, E. (2020). The problem of emotional situations like childhood, anxiety and fear. *SAARJ Journal on Banking & Insurance Research (SJBIR)*, 9(3), 24-28.
14. Гиренко Ф.И. Метафизика пата. –М.: Лабиринт, 2005. 95-96-стр.
15. Авлаев, О., & Жўраева, С. (2019). “Бахтни белгилашда адаптация даражасининг нисбийлиги”. “ПСИХОЛОГИЯ” илмий журнал, 4, 121-128.
16. Хайдаров, М., Алламуратов, М., & Хайруллаева, Н. (2021). Сравнительная оценка физического состояния подростков 11-16 лет с нарушением интеллекта. *Academic research in educational sciences*, 2(Special Issue 1).